



Жанубий Қозоғистон



1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади
2026 йил 12 февраль, пайшанба, №16 (3662).

>>> Президент

ҚОЗОҒИСТОН СУПЕРПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВ ШАКЛИДАН ВОЗ КЕЧМОҚДА



Астанада Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг кенгайтирилган йиғилиши ўтди. Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев раислигида ўтган мажлисда мамлакат учун ўта долзарб конституциявий ислохотлар, ўтган йил яқунлари ҳамда жорий йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Йиғилишда Туркистон вилояти ҳокими Нуралхан Кўшерев ҳам иштирок этди.



Давлат раҳбари таъкидлаганидек, тақлиф ва ташаббусларни тизимлаштириш мақсадида 130 нафар аъзодан иборат Конституциявий комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия таркиби ўз қамрови ва касбий даражаси жиҳатидан мамлакат тарихидаги кенг кўламли таркиблардан бири бўлди.

Жорий ислохотлар доирасида 2025 йил октябрдан бошлаб фуқаролар "eGov" ва "eOtinish" давлат рақамли дастурлари орқали ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлди. Натижада минглаб мурожаатлар келиб тушди. Комиссия уларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, умумлаштирган ҳолда қатор муҳим тузатиш ва қўшимчаларни киритди.

Президент таъкидлаганидек, мазкур жараён очик ва ошкора тарзда олиб борилди. Мамлакат тарихида илк бор ислохотлар кенг жамоатчилик муҳокамасига кўйилди.

Киритилаётган ўзгаришлар кўламини инobatга олган ҳолда, комиссия аъзолари янги Конституция қабул қилиш зарур, деган ягона хулосага келишди. Шу асосда жорий йил январь ойида Асосий қонуннинг илк лойиҳаси жамоатчиликка тақдим этилди.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, янги Консти-

туция лойиҳаси жамиятда катта қизиқиш уйғотди. Бу эса фуқаролик фаоллигини ошириш, аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатининг изчил ва самарали олиб борилаётганидан далолат беради.

– Янги Конституция лойиҳаси мамлакатимиз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқични белгилаб, "Қучли Президент – Нуфузли Парламент – Ҳисобдор Ҳукумат" тамойили асосида сиёсий тизимни мустаҳкамлашга хизмат қилади, – деди Қ. Тўқаев.

Президентнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда амалга оширилган сиёсий ислохотлар натижасида Қозоғистон суперпрезидентлик бошқарув шаклидан узил-кесил воз кечиб, нуфузли Парламентга эга президентлик республикаси сари изчил қадам ташламоқда.

Давлат раҳбари янги Конституция лойиҳаси халқни бирлаштириш, мамлакат тараққиётини жадаллаштириш, ҳар бир фуқаронинг салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи асосий қадриятларни ўзида мужассам этганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Президент халқ манфаатларини таъминлаш учун иқтисодийни мустаҳкамлаш ва изчил ри-

вожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегия зарурлигини қайд этди.

– Дунё иқтисодиётидаги мураккаб вазиятга қарамай, ўтган йили мамлакат иқтисодиёти 6,5 фоизга ўсди. Олдимиздаги вазифалар аниқ иқтисодий ўсиш юқори сифатга эга бўлиши, аввало, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилиши лозим.

Бунда ички ялпи маҳсулот ҳажми ўсган сари фуқароларнинг аниқ даромадлари ҳам ортиб бориши керак. Бу – Ҳукуматнинг энг устувор вазифаси, – деди Президент.

Президент конституциявий ислохотларни изчил амалга ошириш, инфратузилмани янгиллаш, энергетика соҳасини ривожлантириш ҳамда ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, ушбу вазифалар ижроси Туркистон вилоятида тизимли равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, энергетика, транспорт, ижтимоий инфратузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қатор йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Akorda.kz ва Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 2026 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЛОЙИҲАСИ АХБОРОТ ТАРЗИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА. РАСМИЙ МАТН – GOV.KZ САЙТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ДАВЛАТ ТИЛИДАГИ НУСХА ҲИСОБЛАНАДИ.

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Давоми. Аввали ўтган сонларда).

61-модда

1. Қурултой Қозоғистон Республикаси ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган қонун ва қарорларни қабул қилади.

2. Қонунлар Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганидан кейин кучга қиради.

3. Қозоғистон Республикаси Конституциясида белгиланган масалалар юзасидан Конституциявий қонунлар Қурултой депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овози билан қабул қилинади.

4. Қозоғистон Республикаси Конституциясида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Қурултой қонунни депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилади.

5. Қонун лойиҳалари камида уч ўқишда кўриб чиқилиши шарт.

6. Қурултойнинг қонун ва қарорлари Қозоғистон Республикаси Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас. Қурултой қарорлари қонунларга зид бўлмаслиги шарт.

7. Қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, киритиш, муҳокама қилиш, кучга киритиш ҳамда эълон қилиш тартиби қонун ва Қурултой регламенти билан белгиланади.

62-модда

1. Қозоғистон Республикаси Президенти Қурултойни Қурултой раиси ва Бош вазирнинг маслаҳатини олган ҳолда тарқатади.

2. Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Қурултой розилиги талаб этиладиган номзодга розилик берилмаган ёки Қурултой раисини сайлаш рад этилган ҳолларда Қурултой тарқатилади.

3. Қурултойни фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат даврида, Президент ваколатларининг охириги олти ойида, шунингдек, аввалги тарқатишдан кейин бир йил давомида тарқатиш мумкин эмас. 51-модда, 3-бандда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно эмас.

V БЎЛИМ ҲУКУМАТ

63-модда

1. Ҳукумат Қозоғистон Республикаси ижроия ҳокимиятини амалга оширади, ижроия тузилмалар тизимини бошқаради ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

2. Ҳукумат жамоавий идора бўлиб, ўз фаолиятида Қозоғистон Республикаси Президенти ва Қурултой олдида масъул.

3. Ҳукумат аъзолари Қурултой олдида 56-модда, 17-бандида назарда тутилган тартибда ҳисобот беради.

4. Ҳукуматнинг ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолият тартиби конституциявий қонун билан белгиланади.

64-модда

1. Ҳукумат Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Конституцияда белгиланган тартибда шакллантирилади.

2. Ҳукумат таркиби ва тузилишига оид тақлифлар Бош вазир тайинланганидан сўнг ўн кун ичида Президентга тақдим этилади.

3. Ҳукумат аъзолари халқ ва Қозоғистон Республикаси Президенти олдида қасамёд қабул қилади.

65-модда

Қозоғистон Республикаси Ҳукумати:

1. Давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналиш-

ларини, мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини ва жамиятда тартибни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг ижросини таъминлайди;

2. Қурултойга республика бюджет ва унинг ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади, бюджет ижросини таъминлайди;

3. Қурултойга қонун лойиҳаларини киритади ва қонунларнинг ижросини таъминлайди;

4. давлат мулкни бошқаришни ташкил қилади;

5. Қозоғистон Республикаси ташқи сиёсати юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

6. вазирликлар ва бошқа марказий ҳамда маҳаллий ижроия органлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

7. вазирликлар ва бошқа марказий ҳамда маҳаллий ижроия идораларининг ҳужжатларини тўлиқ ёки қисман бекор қилади ёки амал қилишини вақтинча тўхтатади;

8. Қозоғистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган органлар ходимлари учун ягона молиялаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тасдиқлайди;

9. Конституция, қонунлар ва Президент фармонлари билан зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни бажаради.

66-модда

Қозоғистон Республикаси Бош вазир:

1. Ҳукумат фаолиятини ташкил қилади ва унга раҳбарлик қилади, унинг иши учун шахсан масъулдир;

2. Ҳукуматнинг қарорларини имзолайди;

3. Президент ва Қурултойга Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишлари ва муҳим қарорлари тўғрисида ҳисобот беради;

4. Ҳукумат фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга доир бошқа вазифаларни бажаради.

67-модда

1. Ҳукумат аъзолари ўз ваколати доирасида мустақил қарор қабул қилади ва тасарруфидида давлат тузилмалари фаолияти учун Бош вазир олдида шахсан жавобгар ҳисобланади. Агар Ҳукумат олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватламаса, унинг аъзоси истеъфо бериши керак ёки лавозимидан озод этилиши лозим.

2. Ҳукумат аъзолари қонун чиқарувчи орган депутати бўлиши, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас. Улар фақат педагогик, илмий ёки ижодий фаолият билан шуғулланиши мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, тижорат ташкилотларининг бошқарув ёки назорат органларига аъзо бўлиш тақиқланади, қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

68-модда

1. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўз ваколатлари доирасида Республика ҳудудида мажбурий кучга эга қарорлар қабул қилади.

2. Қозоғистон Республикаси Бош вазир Республика ҳудудида мажбурий кучга эга қарорлар қабул қилади.

3. Ҳукумат ва Бош вазир қарорлари Конституцияга, қонунларга ва Қозоғистон Республикаси Президентининг фармонларига зид бўлиши мумкин эмас.

69-модда

1. Ҳукумат ваколатларини янги сайланган Қурултой олдида топширади.

2. Ҳукумат ёки унинг ҳар бир

аъзоси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш имкони йўқ деб ҳисобласа, Президентга истеъфо аризасини топшириш ҳуқуқига эга.

3. Қурултой Ҳукуматга ишончсизлик билдирса, Ҳукумат Президентга истеъфо аризасини тақдим этади.

4. Президент истеъфо аризасини қабул қилиш ёки рад этиш масаласини ўн кун ичида кўриб чиқади.

5. Истеъфо қабул қилинган тақдирда Ҳукумат ёки тегишли аъзонинг ваколатлари тугатилган ҳисобланади. Бош вазирнинг истеъфоси қабул қилинса, бутун Ҳукуматнинг ваколатлари тугатилган ҳисобланади.

6. Ҳукумат ёки унинг аъзосининг истеъфоси рад этилса, Президент уларга вазифаларини давом эттиришни топширади.

7. Президент ўз ташаббуси билан Ҳукумат ваколатларини тугатиш ва унинг аъзоларни лавозимдан озод этиш ҳуқуқига эга. Бош вазир лавозимдан озод этилса, бутун Ҳукуматнинг ваколатлари тугатилган ҳисобланади.

70-модда

1. Қозоғистон Халқ Кенгаши – Қозоғистон Республикаси халқ манфаатларини ифода этувчи олий маслаҳат тузилмаси.

2. Қозоғистон Халқ Кенгаши таркиби Қозоғистон Республикаси фуқаролари орасидан шакллантирилади.

3. Қозоғистон Халқ Кенгашини тузиш, таркибини шакллантириш, ваколатлари ва фаолияти тартиби конституциявий қонун билан белгиланади.

71-модда

Қозоғистон Халқ Кенгаши:

1. куйидаги йўналишлар бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқади:

- давлат ички сиёсатининг асосий йўналишлари;
- жамоат тотувлиги, умуммиллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;
- давлат фаолияти тамойиллари ва умуммиллий қадриятларни ривожлантириш;

2. Қурултойга қонун лойиҳаларини киритади;

3. умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини илгари суради.

VII БЎЛИМ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД

72-модда

1. Қозоғистон Республикасининг Конституциявий суди – конституциявий назоратни амалга оширадиган ҳамда мамлакат ҳудудида Қозоғистон Республикаси Конституциясининг устуворлигини таъминлайдиган мустақил давлат тузилмасидир.

2. Конституциявий Суд раис ва ўн нафар судьядан иборат бўлиб, унинг ваколат муддати 8 йил.

Бир шахс Конституциявий Суд судьяси лавозимига бир мартадан ортқ тайинланиши мумкин эмас.

3. Конституциявий Суд раиси Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва бир вақтнинг ўзида ваколат муддати давомида Конституциявий Суд судьяси ҳисобланади. Бир шахс Конституциявий Суд раиси лавозимига бир мартадан ортқ тайинланиши мумкин эмас.

4. Конституциявий суд судьялари Қурултой розилиги асосида Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

(Давоми 2-бетда.)

ЛОЙИҲА

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Давоми. Аввали 1-бетда).

Конституциявий Суд раиси таклифига кўра, Конституциявий Суд раиси ўринбосари Конституциявий Суд судьялари орасидан Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

5. Конституциявий Суд судьяси депутат бўлиши, бошқа ҳақ тўланадиган лавозимлари эгаллаши (педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари), тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши, тижорат ташкилоти бошқаруви ёки назорат кенгашига аъзо бўлиши мумкин эмас.

6. Конституциявий Суд раиси ва судьялари ўз ваколат мuddати даврида, фақат жиноят устида ушланган ёки оғир ва ўта оғир жиноят содир этган ҳолатлардан ташқари, ҳибсга олинмайди, қамалмайди, суд орқали жазога тортилмайди, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилмайди.

7. Конституциявий Суднинг ташкил этилиши ва фаолияти конституциявий қонун билан тартибга солинади.

73-модда

1. Конституциявий суд Президенти, Қурултой раиси, депутатлар умумий сонининг камида бешдан бир қисми ёки Бош вазир мурожаатига кўра:

1) Президент сайлови, Қурултой сайлови ва референдум ўтказилиши юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал қилади;

2) Қурултой қабул қилган, Президент имзолаши лозим бўлган қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

3) Қурултой қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

4) халқаро шартномаларни ратификация қилишдан олдин уларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

5) халқаро ташкилотлар ва улар органлари қарорларини бажаришнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди;

6) Конституция меъёрларига расмий тушунтириш беради;

7) 50 ва 51-моддаларда назарда тутилган ҳолатларда хулоса беради.

2. Конституциявий Суд Президентнинг мурожаатларини 46-модда, 11-табандида кўрсатилган ҳолатлар, шунингдек, судлар мурожаатларини 79-моддада назарда тутилган ҳолатларда кўриб чиқади.

3. Конституциявий Суд Қозоғистон Республикаси фуқаролари мурожаатларига кўра, уларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига бевоусита даҳл этувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.

Фуқароларнинг Конституциявий Судга мурожаат қилиш тартиби ва шартлари конституциявий қонун билан белгиланади.

4. Конституциявий Суд Қозоғистон Республикаси Бош Прокурори мурожаатига кўра, 1-банд, 1-табандида назарда тутилган 4), 5) ва 6) бандлар ҳамда Қозоғистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.

5. Конституциявий Суд Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мурожаатига кўра, Конституцияда кафолатланган инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига оид Қозоғистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.

74-модда

1. Конституциянинг 73-моддаси 1-қисмининг 1-табандида белгиланган масалалар юзасидан Конституциявий Судга мурожаат қилинган тақдирда, Қозоғистон Республикаси Президентининг лавозимга киришиши, сайланган Қурултой депутатларини рўйхатга олиш ёки умумхалқ референдуми натижаларини эълон қилиш вақтинча тўхтатилади.

2. Конституциянинг 73-моддаси 1-қисмининг 2 ва 4-табандларида белгиланган масалалар юзасидан Конституциявий Судга мурожаат қилинган тақдирда, тегишли ҳужжатларни имзолаш ёки ратификация қилиш вақтинча тўхтатилади.

3. Конституциявий Суд қарорларини конституциявий қонунда белгиланган мuddатларда қабул қилади.

75-модда

1. Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган қонунлар ва халқаро шартномалар имзоланмайди, ратификация қилинмайди ва қонуний кучга киритилмайди.

2. Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг алоҳида моддалари, шу жумладан, Конституцияда белгиланган инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлган ҳолатларда, Конституциявий Суд қарор қабул қилган кундан ёхуд қарорда белгиланган санадан бошлаб ўз кучини йўқотади ва қўлланилмайди.

3. Конституциявий Суд талқинига кўра, Конституцияга мувофиқ деб топилган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шу талқинда қўлланилади.

4. Халқаро ташкилотлар ва уларнинг тузилмалари қарорларининг, алоҳида моддалари Конституциявий Суд томо-

нидан Конституцияга мувофиқ эмас деб топилса, улар бажарилмайди.

4. Конституциявий Суд қарорлари қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради, Қозоғистон Республикасининг барча ҳудудларида мажбурий кучга эга, у якуний ҳисобланади ва улар устидан шикоят қабул қилинмайди.

VIII БЎЛИМ

ОДИЛ СУДЛОВ. ПРОКУРАТУРА. ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ДАСТАКЛАРИ

76-модда

1. Қозоғистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

2. Суд ҳокимияти фуқаролик, маъмурий, жиноий ва қонун билан белгиланган бошқа суд юретиш шакллари орқали амалга оширилади. Қонунда белгиланган ҳолларда жиноий ишлар ҳайъат иштирокида кўрилади.

3. Қозоғистон Республикасидаги судлар: Олий Суд, маҳаллий судлар ва қонун билан таъсис этилган бошқа судлардир.

4. Қозоғистон Республикаси суд тизими Конституция ва конституциявий қонун билан белгиланади. Махсус ёки фавақулдда судларни ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

77-модда

1. Суд ҳокимияти Қозоғистон Республикаси номидан амалга оширилади ва мақсади Қозоғистон фуқаролари ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, Конституция, қонунлар, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро мажбуриятларнинг ижросини таъминлашдир.

2. Суд ҳокимияти Қозоғистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномалардан келиб чиқадиған барча иш ва низоларга татбиқ этилади.

3. Суд ҳукмлари ва бошқа қарорлар Республика ҳудудида мажбурий кучга эгадир.

78-модда

1. Судья одил судловни амалга оширишда мустақил бўлиб, Конституция ва қонунга бўйсунлади.

2. Одил судловни амалга ошириш чоғида суд фаолиятига ҳар қандай аралашув қатъиян тақиқланади ва бу қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобот бермайди.

3. Одил судловни амалга оширишда судья куйидаги тамойилларга риоя қилади:

1) ҳеч кимнинг қонун билан белгиланган суд муҳлати унинг розилигисиз ўзгартирилмайди;

2) ҳар бир шахс судда тингланмиш ҳуқуқига эга;

3) айбланувчи ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас;

4) шахснинг айбига доир барча шубҳалар айбланувчи фойдасига талқин этилади;

5) қонуний тартибда олинмаган далиллар қонуний кучга эга эмас; ҳеч ким фақат айбини тан олганига асосланиб судланмайди;

6) жиноий қонуннинг ўхшашлиги бўйича қўлланилишига йўл қўйилмайди.

4. Конституцияда белгиланган одил судлов тамойиллари Қозоғистон Республикасининг барча судлари ва судьялари учун умумий ва ягона ҳисобланади.

79-модда

1. Судлар инсон ва фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларига зид қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўлламайди.

2. Агар суд қўлланилиши лозим бўлган ҳужжатни Конституцияга зид деб ҳисобласа, иш юретишни тўхтатади ва унинг конституциявийлигини аниқлаш учун Конституциявий судга мурожаат қилади.

80-модда

1. Судлар доимий судьялардан ташкил топади. Уларнинг мустақиллиги Конституция ва қонун билан кафолатланади. Судья ваколатлари фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

2. Судьяни жиноят устида, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган жойда ушлаш ҳолатларидан ташқари ҳибсга олиш мумкин эмас. Шунингдек, судьяни қўлга олиш, мажбурий равишда судга олиб келиш, маъмурий жазо қўллаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун Қозоғистон Республикаси Президентининг, Олий Суд Кенгаши хулосасига асосланган розилиги ёки Қурултой розилиги талаб қилинади.

3. Қозоғистон Республикаси судлари судьяларга қўйиладиган талаблар конституциявий қонун асосида белгиланади.

4. Судья ўз ваколати давомида депутатлик мандатига эга бўлиши мумкин эмас, шунингдек, педагогик, илмий ёки ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаш олмади, тадбиркорлик билан шугулланмайди ва тижорат ташкилотининг раҳбарлик идораси ёки назорат кенгаши аъзоси бўла олмади.

81-модда

Судларни молиялаштириш ва судья-

ларни уй-жой билан таъминлаш республика бюджетидан амалга оширилади ва одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкони таъминланиши шарт.

82-модда

Олий Суд фуқаролик, маъмурий, жиноий ва қонун билан белгиланган бошқа ишлар бўйича энг олий суд органидир. У маҳаллий ва бошқа судлар ваколатига кирувчи ишларни қонунда назарда тутилган тартибда кўриб чиқади ҳамда суд амалиёти юзасидан тушунтиришлар беради.

83-модда

1. Олий суд раиси Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Олий Судьялар Кенгаши тавсияси асосида тайинланади ва ваколат мuddати давомида ҳам оддий судья сифатида Олий Судда фаолият юритади. Олий суд раисининг ваколат мuddати – олти йил.

Бир шахс Конституцияга мувофиқ, Олий суд раиси лавозимига бир марта тайинланиши мумкин.

Олий Суд судьяларини Қурултой Олий Суд Кенгаши ва Қозоғистон Республикаси Президенти тавсиялари асосида тайинлайди.

2. Маҳаллий ва бошқа судлар судьялари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан, Олий Суд Кенгаши тавсияси асосида тайинланади.

3. Судларда конституциявий қонунга мувофиқ, суд ҳайъати тузилиши мумкин.

4. Олий Судьялар Кенгаши раиси Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

5. Олий Суд Кенгашининг мақоми, таркибини шакллантириш тартиби ва фаолиятининг ташкилий тартиби қонун доирасида белгиланади.

84-модда

1. Прокуратура давлат номидан Қозоғистон Республикаси ҳудудида қонунийликни таъминлаш юзасидан олий назоратни амалга оширади, судда давлат манфаатларини ҳимоя қилади ва давлат номидан қонун билан белгиланган тартибда иш юритади.

2. Қозоғистон Республикаси прокуратураси ягона марказлашган тизимни ташкил этади. Унда куйи даражадаги прокурорлар юқори турвчи прокурорлар ва Бош прокурорга бўйсинади. Прокуратура ўз ваколатини бошқа давлат тузилмалари ва мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади ҳамда фақат Қозоғистон Республикаси Президентига ҳисобдордир.

3. Бош прокурор Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Бош прокурор ваколат мuddати – олти йил.

Бир шахс Конституцияга мувофиқ Қозоғистон Республикаси Бош прокурори лавозимига бир марта тайинланиши мумкин.

4. Бош прокурор ўз ваколати мuddати давомида қамоққа олинмайди, фақат қотиллик ёки оғир ва жуда оғир жиноят содир этилган жойда ҳибсга олиш ҳолатлари бундан мустасно. Шу ҳолатлардан ташқари, уни ҳибсга олиш, мажбурий равишда судга олиб келиш, суд тартибига мувофиқ, маъмурий жазо қўллаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш фақат Қозоғистон Республикаси Президентининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

5. Прокуратуранинг ваколати, ташкил этилиши ва фаолият тартиби конституциявий қонунда белгиланади.

85-модда

1. Қозоғистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил шахс инсон ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга ёрдам беради ҳамда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантиришга кўмаклашади.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

3. Ваколатларини амалга оширар экан, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мустақилдир ва давлат тузилмалари ҳамда мансабдор шахсларга ҳисобдор эмас.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ваколати мuddати давомида қамоққа олинмайди, фақат қотиллик ёки оғир ва жуда оғир жиноят содир этилган жойда ҳибсга олиш ҳолатлари бундан мустасно. Шу ҳолатлардан ташқари, уни ҳибсга олиш, мажбурий равишда судга олиб келиш, суд тартибига мувофиқ, маъмурий жазо қўллаш ёки жиноий жавобгарликка тортиш фақат Қозоғистон Республикаси Президентининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият тартиби конституциявий қонунда белгиланади.

86-модда

1. Қозоғистон Республикаси адвокатураси давлат томонидан кафолатланган инсон ҳуқуқларини, жумладан, судда ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади. Ҳуқуқий ёрдам адвокатлар ва қонунга мувофиқ, бошқа шахслар томонидан кўрсатилади.

2. Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш тартиби, адвокатларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун асосида белгиланади.

IX БЎЛИМ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ

87-модда

Маҳаллий давлат бошқаруви тегишли бирлик аҳолисининг манфаатларини ифода этади ва умумдавлат манфаатларини инобатга олган ҳолда уни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни белгилайди ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади.

88-модда

1. Маҳаллий вакиллик тузилмалари – маслаҳатлар тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик аҳолисининг манфаатларини ифода этади ва умумдавлат манфаатларини инобатга олган ҳолда уни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни белгилайди ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади.

2. Маслаҳатлар аҳоли томонидан умумий, тенг, бевосита сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан беш йил мuddатга сайланади.

3. Маҳаллий маслаҳат депутати сифатида йигирма ёшга тўлган Қозоғистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Қозоғистон Республикаси фуқароси фақат бир маҳаллий маслаҳат депутати бўлиши мумкин.

4. Маслаҳатнинг ваколатлари куйидагиларни ўз ичига олади:

1) ҳудуднинг тараққиёт режалари, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни, маҳаллий бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

2) маҳаллий маъмурий-ҳудудий тузилмасига оид масалаларни кўриб чиқиш;

3) қонун билан маслаҳатнинг ваколатига киритилган масалалар юзасидан маҳаллий ижро идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқиш;

4) маслаҳатнинг доимий комиссиялари ва бошқа ишчи тузилмаларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш, маслаҳат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш;

5) Қозоғистон Республикаси қонунига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан бошқа ваколатларни амалга ошириш.

6) Маслаҳат ваколатлари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан, Бош вазир ва Қурултой Раиси билан маслаҳатлашган ҳолда, мuddатидан олдин тўхтатилиши мумкин, шунингдек, маслаҳат ўзини-ўзи тарқатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ҳам ваколатлар тўхтатилади.

7) Маслаҳатлар ваколати, уларни ташкил этиш ва фаолияти тартиби, депутатлар ҳуқуқий мақоми қонун асосида белгиланади.

89-модда

1. Маҳаллий ижро тузилмалари Қозоғистон Республикасининг ижро тузилмалари тизимининг бирлигига киради ва тегишли ҳудуднинг тараққиёт манфаатлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ижро ҳокимиятининг умумдавлат сиебатини амалга оширишни таъминлайди.

2. Маҳаллий ижро тузилмалари куйидаги масалалар билан шугулланади:

1) ҳудудни тараққий эттириш режалари, иқтисодий ва ижтимоий дастурлар, маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш;

2) коммунал мулкка бошқарувни амалга ошириш;

3) маҳаллий ижро тузилмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, маҳаллий ижро тузилмалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш;

4) маҳаллий давлат бошқаруви манфаатларида Қозоғистон Республикаси қонун билан маҳаллий ижро тузилмаларига юклатилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

3. Маҳаллий ижро органи тегишли маъмурий-ҳудудий бирлиكنинг ҳокими томонидан бошқарилади, у Қозоғистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг вакили ҳисобланади.

4. Пойтахт, вилоятлар ва республика аҳамиятига молик шаҳарларнинг ҳокимлари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан, тегишли маслаҳат депутатларининг розилиги билан лавозимга тайинланади.

Президент камида икки номзодни тавсия қилади, улар орасида овоз бериш жараёни ўтказилади.

Энг кўп овоз кўп олган номзод маслаҳат депутатлари розилигига эга ҳисобланади.

Бошқа маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ҳокимлари қонун билан белгиланган тартибда тайинланади ёки сайланади ҳамда лавозимдан озод қилинади. Президент ўз қарори билан пойтахт, вилоятлар ва республика аҳамиятига молик шаҳарларнинг ҳокимларини лавозимдан озод қилиш ҳуқуқига эга.

5. Маслаҳат депутатларининг камида бешдан бири ташаббус билан ҳокимга нисбатан ишончсизлик билдириши масаласини кўтариши мумкин.

Бундай ҳолда маслаҳат депутатларининг кўпчилиги овози билан ҳокимга нисбатан ишончсизлик билдирилиши ва лавозимдан озод қилиш масаласи куйидагиларга йўналтирилади:

Пойтахт, вилоятлар ва республика аҳамиятига эга шаҳарлар ҳокимлари юзасидан – Президентга; бошқа маъ-

мурий-ҳудудий бирликлар ҳокимлари юзасидан – тегишли юқори ҳокимга.

Пойтахт, вилоятлар ва республика аҳамиятига молик шаҳарлар ҳокимларининг ваколатлари Қозоғистон Республикасида янги сайланган Президент лавозимга кириши билан тўхтайдди.

6. Маҳаллий ижро тузилмалари ваколати, уларни ташкил этиш ва фаолияти тартиби қонун асосида белгиланади.

90-модда

1. Маҳаллий маслаҳатлар ўз ваколатлари доирасидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, маъмурий раҳбарлар эса қарор ва фармонлар чикаради; улар тегишли маъмурий ҳудудда амалга оширилиши мажбурий ҳисобланади.

2. Агар маслаҳат қарорлари маҳаллий бюджет даромадларини камайтириш ёки маҳаллий бюджет харажатларини оширишни назарда тутса, улар фақат ҳокимнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда кўриб чиқилиши мумкин.

3. Конституция ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мос келмайдиган маслаҳат қарорлари суд тартибидан бекор қилиниши мумкин.

4. Ҳокимларнинг қарор ва фармонийшлари тегишли равишда Қозоғистон Республикаси Ҳукуматлари ёки юқори даражадаги ҳоким томонидан, шунингдек, суд тартибидан бекор қилиниши мумкин.

91-модда

1. Қозоғистон Республикасида маҳаллий аҳоли ўзининг шахсий аҳамиятга эга масалаларини ўзлари ҳал қилишини таъминлайдиган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимидан фойдаланиши мумкин.

2. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг аҳоли томонидан бевосита амалга оширади, шунингдек, бу маслаҳатлар орқали ҳам, аҳоли сони кам бўлган ҳудудлардаги маҳаллий жамоатлардаги бошқа маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тузилмалари орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қонунга мувофиқ, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларига давлат вазифалари юклатини мумкин.

3. Қозоғистонда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этиш ва унинг фаолияти қонун билан тартибга солинади.

4. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларининг мустақиллиги қонунда белгиланган ваколат доирасида кафолатланади.

X БЎЛИМ

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

»» Тайнлаш

**АХМАД ЯССАВИЙ
НОМЛИ
МАКТАБДА
ЯНГИ ДИРЕКТОР**

Саврон туманидаги ўзбекза-
бон аҳоли гавжум яшайдиган
Эски Иқон қишлоғидаги Аҳмад
Яссавий номли мактабга янги
директор – Зоҳида Абдурайим
қизи Шожалиева (тасвирда) та-
йинланди.



3. Шожалиева 1970 йили 1
февралда Эски Иқон қишлоғида
туғилган. Қишлоқдаги “ВЛКСМ
– 50 йиллиги” номли мактаб-
ни аъло баҳоларга тамомлаган.
1994 йили М. Улуғбек номида-
ги Тошкент давлат университети
ни битирган. Меҳнат фаоли-
ятини Тошкентдаги 293-сонли
мактабда бошлаган. 2004 йил-
дан қадрдон Иқон қишлоғидаги
А. Яссавий номли мактабда хи-
мия фани ўқитувчиси бўлиб меҳ-
нат қилмоқда. Билими, ташкилот-
чилик қобилияти шарофати билан
2016 йилдан буюн директорнинг
ўқув ишлари бўйича ўринбосари

лавозимиди ишлади. Олий тои-
фали устоз И. Алтинсарин кўкрак
нишони билан тақдирланган.
Туман, вилоят миқёсида мукофот-
ланган.

Умр йўлдоши – тадбиркор Ой-
бек Равшан ўғли билан оилада
икки ўғил, бир қиз тарбиялашмоқ-
да.

Зоҳида Шожалиевага Эски
Иқон қишлоғидаги энг йирик ва
кўхна ўқув даргоҳларидан бирига
раҳбарлик қилишдек масъулиятли
фаолиятида омад, устозлар жа-
моасига янги зафарлар тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

**ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИ
МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН БИТИМ**

“Рақамлаштириш йили” доирасида таълим муассасаларида
ўтказилаётган тадбирлар ёш авлод вакиллари билан илмий сало-
ҳиятини янада юксалтириш, миллатлараро ҳамжиҳатликни яна-
да мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. “Өрлеу”
малака ошириш миллий маркази “Туркистон вилояти бўйича
касбий тараққиёт институти” филиалининг ташаббуси билан
ўтказилган тадбир бугунимиз ҳамда эртаимиз истиқболи бўлган
ёш авлодда замонавий билим кўникмаларини шакллантириш,
бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтиришга бағишланди.



“Таълимда сунъий идрок: ке-
лажак мактабини шакллантириш
ва ўқитишнинг янги шакллари”
мавзусида ўтган халқаро илмий-
амалий анжуман турли мамла-
катлардан малакали мутахассис-
ларни жамлади. Таълим тизимида
сунъий идрокни амалга таъбиқ
этишнинг долзарб йўналишлари-
ни муҳокама қилиш ҳамда ўқитув-
чилар ўртасида касбий тажриба
алмашиш учун самарали муҳо-
вираниш кузлаган халқаро ан-
жуманда ҳозирги куннинг дунёвий
масалалари, давр талабига ай-
ланган муҳим масалалар моҳияти
очиб берилди.

Онлайн шаклда ўтган тадбирни
“Өрлеу” малака ошириш миллий
маркази “Туркистон вилояти бўй-
ича касбий тараққиёт институти”
филиалининг директори К. Бақ-
тибаева, вилоят таълим бошқар-
масининг бошлиғи вазифасини
бажарувчи Ғалимжан Уринов,
А. Яссавий номидаги ЖҚТУ про-
фессори, ректор вакили Нажи
Генч, Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги хузуридаги Таълимни
ривожлантириш маркази бошқар-
ма бошлиғи, иқтисодий фанлари
доктори Шаҳзодбек Қурбонниёзов
анжуман иштирокчиларини қут-
лади.

Пленар мажлисда Ҳиндис-
тон, Ўзбекистон, Қирғизистон,
Тожикистон, Туркия, Нигерия дав-
латларидан зиёлилар, таълим
соҳаси мутахассислари, олимлар,
шунингдек, вилоят ва шаҳар таъ-
лим бошқармалари раҳбарлари,
мутахассислар маъруза қилишди.
Анжуман доирасида ишлар
тўрт йўналиш бўйича шўба йи-
гинлари шаклида олиб борилди.
Унда хорижий олимлар (Россия,
Ўзбекистон ва бошқа давлатлар-
дан) республика ҳудудларидан
ҳамда минтақамиздан келган
тренерлар ва устозлар ўзлари-
нинг амалий тажрибалари ҳамда
инновационий ғояларини тақдим
этишди.

Тадбир таълим тизимида сунъий
идрокни самарали жорий этиш,
илгор тажрибаларни умумлаш-
тириш ва халқаро ҳамкорликни

мустаҳкамлашга хизмат қилган
муҳим илмий майдон сифатида
баҳоланди. Мазкур анжуманни
ўтказишда ташаббускор бўлган
“Өрлеу” малака ошириш миллий
марказ “Туркистон вилояти бўй-
ича касбий тараққиёт институти”
ҳамда Ўзбекистон Республикаси
Таълимни ривожлантириш рес-
публика илмий-услубий маркази
ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғри-
сида меморандум имзоланди.

– Халқаро ҳамкорлик доираси-
да кенг қамровли ишлар амалга
оширилмоқда, – дейди мазкур
миллий марказнинг ходими, катта
ўқитувчиси, халқаро даражадаги
мураббий, педагогика фанлари
магистри Маҳфуза Мусаева. –
Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон
ўртасида маънавий, маданий
алоқаларни мустаҳкамлаш кўзда
тутилган. Битим доирасида педа-
гог кадрларнинг касбий ривожини
қўллаб-қувватлашга қаратилган
кўшма лойиҳа ва тадбирларни
ташқил этиш режалаштирилган.
Анжуманда “Өрлеу” малака оши-
риш миллий маркази “Туркистон
вилояти бўйича касбий тарақ-
қиёт институти” филиалининг
директори Кулизоат Бақтибаева,
Ўзбекистон Республикаси Таъ-
лимни ривожлантириш респу-
блика илмий-услубий маркази ди-
ректори ўринбосари, Шаҳзодбек
Қурбонниёзов, мазкур марказнинг
бошқарма бошлиғи, педагогика
фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент Меҳринисо Пардаева
иштирок этиб, меморандум им-
золашди. Эндиликда Қозоғистон
ва Ўзбекистон таълим тизимла-
рида педагогларнинг узлуксиз
ривожланишида халқаро тажриба
асосида таълим сифатини оши-
риш борасида кўп ташаббуслар
амалга оширилади. Ўзбекистон
Республикасидаги қозоқ тилида
дарс берадиган мактаблар ўқи-
тувчиларининг, шунингдек, Тур-
кистон вилоятида ўзбек тилида
дарс берадиган мактаблар ўқи-
тувчиларининг касбий маҳорати-
ни оширишга қаратилган тадбир-
ларни ташқил этиш ҳам мақсад
қилинган.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

**АЛИШЕР НАВОИЙ – АСРЛАР ОША
ЯНГРАЁТГАН МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ**

Жумабек Ташенев номи-
даги университетда Навоий
таваллудининг 585 йилли-
гига бағишланган “Навоий
ва XXI аср” мавзусидаги
шаҳар босқичидаги танлов
бўлиб ўтди.

Мазкур маънавий-маъри-
фий тадбирда шаҳар мактаб-
ларидан келган ўқувчилар,
Ўрта Осиё инновацион кол-
лежи ҳамда университетимиз
талабалари фаол қатнашди-
лар. Тадбирни университет
“Жаҳон тиллари институти”
директори Жанна Бўта-
баева ҳамда “Рус ва ўзбек
тиллари” кафедраси муди-
ри Шинар Ерғешбаева очиб
бердилар. Ўз чиқишларида
улар Алишер Навоийнинг ўз-
бек адабиёти ва маънавияти
тараққиётида тутган ўрни
беқийсизлигини таъкидлаб, бу
каби тадбирлар ёш авлодни
маънавий камолот руҳида
тарбиялашда муҳим аҳамият
касб этишини алоҳида қайд
этидилар.

Тадбирни университет
3-босқич талабаси Саида
Мавлонбекова ҳамда А. Қуат-
беков номидаги Халқлар
дўстлиги университетининг
1-босқич талабаси Шохбег
Ирисматов олиб бордилар.
Ёш бошловчилар кечани жу-



диққат билан кузатиб, адо-
латли баҳолашиб, ёшларга
қимматли, илҳомлантирувчи
тавсиялар берилди.

Тадбир белгиланган тар-
тиб асосида бир неча бос-
қичда давом этди. Дастлабки
босқичда иштирокчилар Али-
шер Навоийнинг ғазалларини
ёддан, ифодали ўқиб бериш-
ди. Ғазаллар мазмунан чуқур
ва ҳиссиётга бой тарзда ижро
этилди. Иккинчи босқичда
сахна кўринишлари намойиш
этилди. Жумладан, шаҳар
мактабларидан келган ўқув-
чилар, Ўрта Осиё инновацион
коллежи ҳамда университет

хулосага келгунга қадар иш-
тирокчилар, уларнинг устоз-
лари ҳамда талабалар ўрта-
сида “Баҳру байт” беллашуви
ўтказилди. Ушбу жараёнда
барча фаол қатнашиб, тад-
бирга жозоба бағишладилар.
Ҳакамлар якуний қарорга
келгач, сўз улар раисаси
Шахло Норалиевага берил-
ди. У Алишер Навоий 585 йил
наридан туриб ҳам инсоният-
га халқлар дўстлиги, Ватанга
муҳаббат, инсонпарварлик,
тинчлик ва адолат ғоялари
билан мурожаат қилаётгани-
ни таъкидлади. Салкам олти
аср ўтсада, Навоий мероси

лом ва мукофотларни топ-
шириш маросими бошланди.
Аввало, шаҳар мактаблари
ҳамда Ўрта Осиё инновацион
коллежи талабалари турли
совгалар ва дипломлар бил-
ан тақдирландилар.

Ж. Ташенев номидаги уни-
верситетнинг “Жаҳон тил-
лари” факультетининг ўзбек
тили ва адабиёти йўналиши-
да тахсил олаётган 2-босқич
талабаси Мавлуда Асадул-
лаева “Фарҳод ва Ширин”
дostonидан парча ижро этиб,
3-ўринни эгаллади, 1-босқич
талабаси Нозима Султон-
муродова “Лайли ва Маж-
нун” дostonидан парча билан
3-ўринга муносиб деб топил-
ди, Нигора Шодиқуллова “Фар-
ҳод ва Ширин” дostonидан
парча ижро этиб, энг юқори
ўринни қўлга киритди, Мар-
жона Рафиқжонова “Лайли ва
Мажнун” дostonидаги парча
билан 1-ўринни эгаллади.
Шунингдек, Феруза Руста-
мова эса “Фарҳод ва Ширин”
дostonидан парча ижро этиб,
2-ўринни қўлга киритди.

Иштирокчилар ва меҳмон-
лар қалбида чуқур таассурот
қолдирган маънавий-маъри-
фий кеча кўтаринки руҳда
яқунланди. Буюк мутафак-
кир ва сўз султони Алишер
Навоий меросини ўрганиш
– бу фақат адабиётни билиш
эмас, балки инсонни англаш,
қалбни тарбиялаш ва маъ-
навий камолот сари қадам
қўйиш демакдир. Навоийни
ўқиш – ўзлимизни таниш-
тириш, Навоийни ҳис этиш эса
маънавий юксалишдир.
Келинг, Навоий сўзи билан
улғайлик, Навоий ғоялари
билан камол топайлик ва
маънавиятга йўл очадиган
бундай тадбирларда доимо
фаол иштирок этайлик!

**Мухлиса ЭШОНҚУЛОВА,
Ж. Ташенев
университетининг
“Жаҳон тиллари”
институти талабаси.**

Тасвирларда: тадбирдан
лавҳалар.



да чиройли, мазмунли ва
юқори сахна маданиятига
мос юритиб, ҳар бир чиқиш
давомида самимий тилаклар
ишор этдилар.

Кечанинг байрамона руҳи-
ни янада бойитиш мақсадида
раққоса қизлар томонидан
муслик-рақс намойиш этил-
ди. Миллий руҳда ижро этил-
ган ушбу рақс тадбирга ўзига
хос фойда ва жозоба бағиш-
лаб, томошабинлар томони-
дан илиқ қарши олинди. Ҳа-
камлар ҳайъати раисаси, PhD
доктори Шахло Норалиева,
шунингдек, катта ўқитувчи-
ларимиз Озодоҳон Мусаева,
Зулфия Райимбекова ҳамда
Фаррух Абдалиевлар ишти-
рокчиларнинг чиқишларини

талабалари томонидан “Ҳам-
ма асарларидан” парчалар
сахналаштирилди. Ушбу чи-
қишлар томошабинларда кат-
та таассурот қолдирди.

Учинчи босқичда иштирок-
чилар Алишер Навоийнинг
ҳаёти ва ижоди юзасидан
олдиндан тайёрланган хат-
жид ичидаги саволларга
жавоб беришди. Бу босқичда
уларнинг адабий билими ва
тайёргарлик даражаси яққол
намоён бўлди. Умуман ол-
ганда, ушбу тадбирда жами
ийгирма бир нафар иштирок-
чи ўз иқтидори ва билимини
намоён этди. Барча босқич-
лар мазмунли, қизиқарли ва
юқори савияда ўтказилди.
Ҳакамлар ҳайъати якуний

хануз навқирон, долзарб бў-
либ қолмоқда. Шунингдек,
Алишер Навоий жаҳон маъ-
навияти, жаҳон маданияти
ва жаҳон адабиётининг буюк
устунларидан бири эканлиги,
кўплаб ёзувчи ва шоирлар
учун илҳом манбаи бўлиб,
ижодий мактаб яратган зот
эканлиги алоҳида қайд этил-
ди. Навоий ўқишларини таш-
кил этишдан асосий мақсад
ҳам буюк бобоклонимиз
асарларига мунтазам муро-
жаат қилиш, айниқса, бугунги
кунда ҳар сонияда долзарб
бўлиб турган тинчлик ва хо-
тиржамлик ғояларини ёшлар
онгига сингдириш эканлиги
таъкидланди.
Фаол иштирокчиларга дип-

»» Волейбол

ҚИЗЛАР ЖАМОАЛАРИ ЎЗАРО БЕЛЛАШДИ

Шимкент шаҳри, Сайрам даҳа-
сидаги Дилдора Сотиболдиева
раҳбарлик қилаётган М. Маме-
това номидаги 111-сонли умумтаъ-
лим мактабида ҳудуддаги хусу-
сий ва давлат мактабларининг
9-11-синф ўқувчиларидан иборат
жамоалар ўртасида волейбол
мусобақаси уюштирилди. 16та
жамоа 4 гуруҳга бўлинган, са-
ралаш ўйинлари 139, 112, 111 ва
109-мактабларнинг спорт залла-
рида ўтди.



Қизиқарли ўтган беллашув
яқунига кўра, Ю. Сарёмий
номли 107-сонли мактаб-пи-
цей жамоаси 1-ўринга сазо-
вор бўлди. 2-ўринни Ал-Фо-
робий номли 113-сонли мак-

таб жамоаси қўлга киритди.
3-ўрин эса мезбон жамоа –
М. Маметова номи 111-сон-
ли мактаб волейболчиларига
насиб қилди.
“Ерлик руҳи спортта” шиори

остида ўтган мусобақа ғолиб
ва совриндорлари ҳомиёлар
томонидан муносиб тақдир-
ланди. Жумладан, 1-ўринга –
50000 тенге, 2-ўринга – 40000
тенге, 3-ўринга – 30000 тенге

пул мукофотлари топширил-
ди. 4-ўринни эгаллаган Ҳамза
номлидаги 108-сонли мактаб
жамоасига эса 20000 тенге
тақдим этилди. Бундан таш-
қари, чиройли ўйин намойиш
этган ўқувчилар турли номин-
ациялар бўйича тақдирланди-
лар.

Соғлом турмуш тарзини
тарғиб қиладиган мусобақага
М. Маметова номи мактаб-
нинг собиқ битирувчилари,
тадбиркор йигитлар – Мир-
калон Маҳкамбоев ва Саид-
жон Йўлдошевлар ҳомиёлик
қилиб, мусобақа иштирокчи-
ларига эҳсон оши бердилар.
Ташкилий ва ҳакамлик иш-
ларини М. Маметова номи
мактаб жамоаси аъло дара-
жада удаллади.

Хуршид ҚЎҚОРОВ.



Тасвирлаймиз!

Сайрам тумани,
Манкент қишлоғи,
Баходир ва Дилфуза ЭГАМБЕРДИЕВларга!

Хурматли, меҳрибон, ғамхўр, жонкуяр, дуоғўй, юзларидан меҳр нури таралган жондан азиз отажон ва она-жон!

Сизларни 63 ёшга тўлишингиз ва нафақага чиқшингиз муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, доимий хуш-кайфият тилаймиз. Бизни ҳеч кимдан кам қилмай, вояга етказдингиз, чиройли тарбия бериб, ўқитдингиз. Эндликда барчамизни уйли-жойли қилдингиз, халқ хизматида хормай-толмай меҳнат қилдингиз, бизни оқ ювиб, оқ тарадингиз. Қўзларингиз ҳеч қачон ғам кўрмасин. Биз – фарзандларингиз олдингизда доим таъзимдамыз. Илоҳим, 100 ёшга қиринглар, ҳар қачон Оллоҳнинг назарида бўлинглар. Суянган тоғимиз ва боғимиз – Сиздек ота-онамиз борлигидан ҳамisha фахрланамиз.



Худо берган ўзи бизга улкан бахт,
Ота-она ёнида, хурсандмиз ҳар вақт.
Сизга ҳам буюрсин шундай улкан тахт –
Энг аввал аларнинг дуосин олинг!
Ота тарбиясини олиб ўсдик биз,
Онамиз бағрида меҳрни кучдик.
Сиз шуни ҳеч қачон унутманг, дўстлар –
Отанинг-онанинг дуосин олинг!

Оила аъзолари – неваралар,
куёвлар, қизлар номидан:
Дилнора.

Афғон оғриқлари

ЖАСОРАТ РУҲИ

Жорий йил Шўро кўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқилганига 37 йил тўлмоқда. Ҳар йили ушбу сана арафасида мазкур мавзуга оид мақолаларни эълон қилиш анъанага айланган.

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 60-70-йилларида туғилган авлод вакиллари учун Афғон уруши мавзуси ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Бу уруш ҳақида шу кунгача кўплаб кинофильмлар яратилди, турли жанрларда асарлар ёзилди... Бу борадаги ишлар ҳозирги кунда ҳам етарлича олиб борилмоқда ва келгусида, албатта, яна давом этиши шубҳасиз.



Бинобарин, ушбу мавзуга доир айнан ўша жангу жадаллар иштирокчиси асар ёзса, бу ҳаммада улкан қизиқиш уйғотиши табиий. Қорабулоқлик афғон уруши фахрийси Абдивоит Саидмуродовнинг ўтган йилнинг сўнггида нашр қилинган "Афғонистон хотиралари" китоби билан танишиб, ушбу фикрнинг айна ҳақиқат эканига яна бир бор иқор бўлдим. Шунинг учун ҳам китобни алоҳида иштиёқ билан мутолаа қилдим.

Муаллифни анча йиллардан буюн яқиндан биламан. Абдивоитнинг ҳаёт йўли менга яхши маълум. "Афғонистон хотиралари" асарида у урушнинг бизга номаълум, оғир ва сирли қирраларини очиб беради. Айниқса, китобхонни ҳайратга соладиган жиҳати – муаллифнинг жангларда бевосита иштирок этиб, ёлғиз ўзи душман орасига кириб боргани, ўта хавфли топшириқларни жасорат ва маънафакатли бажарганидир. Бу саҳифалар ўқувчини ҳаяжонли ҳолатга солиб, воқеалар домига тортади, қалбни титратади ва беварқ қолдирмайди.

Бу ўринда китоб муаллифи ҳақида қисқача маълумот: Абдивоит Умурызқўғли 1962 йили 10 май куни Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топган. У 1980-1985 йилларда Тошкент давлат темирйўл транспорт муҳандислари институтини тахсил олиб, 1985-1987 йилларда Афғонистонда ҳарбий бурчини ўтаган. Жанг майдонида мардлик ва жасорат кўрсатиб, қатор жанговар ордени ва медаллар билан тақдирланган.

А. Саидмуродов ҳарбий хизматдан қайтгач, меҳнат жабҳасида ҳам самарали фаолият юритиб, эришган ютуқлари учун давлатимиз томонидан "ҚР Конституциясининг 25 йиллиги" ва "Ерен еңбегі үшін" медаллари билан тақдирланган.

Абдивоит рафиқаси Санобархон билан уч ўғил ва бир қизи тарбиялаб, вояга етказдилар. Бугунги кунда нафақада бўлса-да, ҳануз жамоат ишларида фаол.

Китоб ҳақидаги фикрга қайтсак, одатда муаллифнинг самимий ва очиқ бўлиши ундаги ноёб хислатдан далолат. Абдивоит Умурызқўғли ҳам ушбу хотираларида қандай қилиб урушга бориб қолгани, ўз олдига қандай мақсад қўйганини рўй-рост ва батафсил баён қилади. Таъбир жоиз бўлса, у ҳеч қандай манфаатни кўзламаган, кўплар қатори йигитлик бурчини адо этишга қарор қилган эди, холос.

Ушбу китобни бепарволик билан ўқиб чиқиш мумкин эмас. Йигит ёшида ҳалок бўлганлар ҳақидаги сатрлар билан танишиб, муаллифга ҳамдард бўласиз, у билан бирга қуянасиз, ноҳақликларни кўргангизда эса жунбушга келасиз... Айниқса, ота-онаси, ака-ука ва сингиллари билан хайрлашув лаҳзалари таъсирланган парчаларни ўқиркансиз, беихтиёр кўзингизга ёш куйилади...

Муҳбирлик фаолиятим давомида бу мавзуга оид қатор мақолалар ёзганман. Афғон уруши иштирокчилари билан учрашиб, мусохабалар олишимга ҳам тўғри келган. Лекин улар билан очик мулоқот қилиш, аниқроғи, ўзлари иштирок этган жанглар ҳақида батафсил билиб олиш имконияти бўлмаганди. Чунки Афғон урушида иштирок этган аскарлар, одатда, ўша даврдаги қийинчиликлар ва азоб-укубатлар ҳақида бировга ҳеч қачон айтмаслик мажбуриятини олганлари ҳам сир эмас... Мазкур асарда эса шўро мафқураси таърифича, "байналмилал бурчини ўташ" учун Афғонистонга бориб қолган оддий қишлоқ йигитининг

қалбидagi оғриқли ва залворли кечинмалари, дардли ҳиссийлари жун, жайдари тил билан баён қилинган ва айна шу жиҳатлари билан у ўқувчини батамом жалб этади.

Фикрнинг исботи тарикасида китобдан бир нечта иқтибос келтираман: "Қўлимга қалам олиб, хотирамдагиларни қозоғга туширишга уриндим, бугун ёзсам, қачон ёзилади, деб ўйладим,

чунки ўша йиллар ўзим гувоҳ бўлган саноксиз мудҳиш воқеалар хотирамга тинчлик бермасди. Ким-кимнинг олдида гуноҳкорлиги фақат Яратган ғамизига аёнду... Инсон ҳар хил вазиятга дуч келади: ғийбат, бўҳтон, туҳмат балоларини бошимдан ўтказдим. Одамларга ўта кибру ҳаво билан муносабатда бўладиган, ҳар қандай кишини эгиз-букиб хоҳлаган шаклга келтира оламан дея ўйлаган,

лекин ҳунарлари ўтмаган ганимларим фиску-фасод тарқатишганда сохта дўстларнинг мунофиқлиги қандай бўлишини англадим, ишларим юришиб кетганда "дўстман" деб, ҳатто маймун ҳам келди, тилғламалар ўз муаммоларини менинг аралашушим билан битириб олиб, кейин яна ғийбат отига қамчи уришди..."

"Ушбу китоб – ёшлик давримнинг энг жўшқин онлари, ҳаётимдаги энг оғир, энг сабоқли кунларни ўз ичига олган тарихий хотиралар тўпламидир. Афғонистондаги хизмат мен учун нафақат ҳарбий бурчини адо этиш, балки инсоннинг ички дунёсидаги энг чуқур тўлқинларни, эътиқод ва сабрни, юракка қулфланган оғриқни, муҳаббатни, жасорат ва соғинчни бошдан кечириш ҳам эди..."

Китоб аввалида муаллиф Шўро кўшинларининг Афғонистонга кириши сабабларини тарихий воқеаларга асосланган ҳолда, аниқ далиллар билан изоҳлайди. Буни асар муаллифининг ютуғи деб баҳолаш ўринли.

Яна бир муҳим жиҳат, орадан 40 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, муаллиф ўз асарида кўплаб шахсларнинг исм-шарифларини, турли жойларнинг номини тилга олиб, ҳарбий атамалардан ўз ўрнида усталик билан фойдаланмади. Бундай тафсилотлар китобнинг қимматини янада бойитган.

Абдивоит Афғонистон ўлкасига хос табиат кўринишлари ва тоғ манзараларини моҳирона тасвирлаб, шунингдек, "душманлар"га қарши уюштирилган ҳужумлар давомида аскарларнинг қилган ҳаракатларини ёрқин ифода этади, жумладан, рақибларнинг ҳийла-ю найранглари фож қилишни ҳам унутмайди.

Муаллифнинг ҳамюртлари, Афғон уруши иштирокчилари Хайрулла Убаев, Ёқуббек Раимкулов ва Мирзақарим Сартоевларнинг китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам ўринли ва эътиборга сазовордир. Жумладан, "Бу китоб нафақат ўтганларни эслаш ва хотирлашга, балки ҳаётнинг ҳар қандай синови паллаларида инсонийлик сифатларини йўқотмасликка даъват этади", деб ёзади Ё. Раимкулов. Жуда ўринли таъриф.

Баъзан мардлик, жасорат, довораклик ҳақида шу қадар кўп гапириладики, бу сўзларнинг асл моҳиятини чуқур англаб етишга ҳам имкон қолмайди.

Асар баландрарвоз мақтов, қуруқ сафсатадан йироқ, аниқ маълумотлар асосида яратилган. Юртдошларимизга хос жасорат руҳи уфуриб турган мазкур асарни ўқиб чиқсангиз, ўқинмайсиз.

Зокиржон МҮМИНЖОНОВ,
Қозоғистон Ёзувчиси,
уюшмаси аъзоси.

Саврон

Т. АЙТЖАНОВ НОМЛИ МАКТАБДА
ФАХРИЙ ҲОРДИҚҚА КУЗАТИШ МАРОСИМИ

Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғидаги тажрибали директор Қанат Тасбулатули Байтишев раҳбарлик қилаётган Т. Айтжанов номли умумтаълим мактабида меҳнат фахрийларини нафақага кузатиш тадбири юксак савияда ўтди. Шу дароҳда ўтган асрнинг 90-йилларидан меҳнат қилаётган олий тоифали устоз Василя Комилхон қизи Қорабоева 1965 йили 2 январда Комилхон ака ва Марҳамат ая хонадонидида туғилган.



Наргиза Отамтой қизи Исмоилова-лар, қариндош-уруғлари самимий муборакбод этишди. Меҳмонлар – "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси раҳбари Райимжон Алибоев, "Сауран" туман газетаси журналисти Лаззат Сариева, вилоят маслаҳати депутати Баймахан Сулейменов, вилоят онахонлар кенгашидан Балимхан Бейсенова, Саврон тумани УЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбековлар муборакбод этиб, совғалари, "Ташаккурнома"ларини тақдим этишди. Устоз Василя Комилхон қизига Баходир Ирисметов раҳбарлик қилаётган вилоят УЭМБдан "Қозоғистон Халқи Ассамблеяси 30 йиллиги" медали тантанали тақдим этилди. Самарали меҳнати учун берилган мукофотлар



Оилада Раъно, Барно, Учқун исми ака-опалари ҳамда Тўлқин укаси билан ўсиб, камол топди. Падали бузруквори Василя фарзандининг ўзи каби ўқитувчи бўлиши ҳақидаги орзуси амалда ушалди. Барно, Тўлқин фарзандлари каби Василя ҳам ҳаётини ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этди. Дастлаб, педагогика билим юрти, Тошкентдаги Ф. Энгельс номлидаги чет тиллар ҳамда Туркистондаги Қозоғистон – Россия замонавий гуманитар университетини қозоқ



муборак бўлсин! Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари рақс ва кўшиқлар ижро этишди. Меҳнат фахрийларига атаб, неваралари Азиза Марат қизи ва Амина Асанғали қизи кўшиқлар армуғон этишди. Айниқса мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Айгул Кенжебаева "Яхшиларимга" деб номланган кўшигини дўмбирада қойилмақом ижро этганида залда гулдурас қарсак ва олқишлар янгради.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: меҳнат фахрийлари Василя Комилхон қизи ва Райхан Абубакир қизи; меҳнат фахрийларига ҳурмат – эҳтиром; мактаб директори Қанат Тасбулатули Байтишев ҳамда фаол обуначиларимиз; мактабда обунани ташкил этаётган Наргиза Отамтой қизи Исмоилова ҳамкасблари билан.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Мактаб директори, фаол обуначимиз Қанат Байтишевга бе-ниҳоя хурсанд қилган ушбу ажойиб тадбир учун миннатдорчилик билдириб, "Жанубий Қозоғистон" газетаси обунасини уюшқоқли ташкил этиш (тажрибали ўқитувчи Наргиза Исмоилова ташкилотчилигида) хусусида яна бир қарра илтимос қилдим. Директор устозлар жамоаси билан ҳам-жиҳат иш юритилишига ваъда берди.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортықбой ўғли
АЛИБОВЕВ.
Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:
Туркистон, Саврон – Шамираза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.
Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КҚ34VРҮ00022503 ғувоҳнома берилган.
"ЕРНУР-РИП" МББ бошқарувида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуков кўчаси, 22.
Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10650 нуска.
Бўғимчи 294. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.